

## 4-МАВЗУ.

# ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЭЛАСТИКЛИГИ

1. Эластиклик ва унинг турлари. Нуқтасимон ва ёйсимон эластикни ҳисоблаш усуллари.
2. Даромадга кўра талаб эластиклиги ва кесишган талаб эластиклиги.
3. Талаб эластиклигига кўра сотувчи даромадини максималлаштириш.
4. Солиқ юкини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланишининг эластиклик назариясига кўра таҳлили.

*Тайёрлади: и.ф.д., проф. Ш.И. Мустафакулов*

**Эластиклик** – бир ўзгарувчининг бошқа бир ўзгарувчи таъсири остида ўзгаришини ўлчайдиган ўлчов. Ушбу тушунча илк мартаба **Алфред Маршалл** томонидан истеъмолга киритилган.

\*\*\*

Бунга энг муҳим мисоллардан бири бўлиб, нархга боғлиқ бўлган талаб эластиклигидир.

**Бу – товар нархининг бир фоизга ўзгариши унга бўлган талабнинг неча фоизга ўзгаришини англатади.**

## Нархга боғлиқ талаб эластиклиги қуйидагича аниқланади:

$$E_p^D = \frac{(\Delta Q\%)}{(\Delta P\%)},$$

Бу ерда:

$\Delta Q\%$  -  $Q$  нинг фоиз ўзгариши;  $\Delta P\%$  -  $P$  нинг фоиз ўзгариши. Фоиз ўзгариш - ўзгарувчининг абсолют ўзгаришини ўзгарувчининг олдинги даражасига нисбати орқали аниқланади, яъни

$$\Delta Q\% = \frac{\Delta Q}{Q} \cdot 100\%; \quad \Delta P\% = \frac{\Delta P}{P} \cdot 100\%$$

$$E_p = \frac{\frac{\Delta Q}{Q} \cdot 100\%}{\frac{\Delta P}{P} \cdot 100\%} = \frac{P}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta P}$$

## Талабнинг нархга кўра нуқтавий эластиклик коэффициентини ҳисоблаш формуласи:

$$E_D = \frac{\frac{Q_2^D - Q_1^D}{Q_1^D}}{\frac{P_2 - P_1}{P_1}}$$

Талабнинг нархга кўра ёйсимон эластиклигини ҳисоблаш формуласи:

$$E_D = \frac{\left( \frac{Q_2^D - Q_1^D}{(Q_1^D + Q_2^D)/2} \right)}{\left( \frac{P_2 - P_1}{(P_1 + P_2)/2} \right)}$$

Бу ерда:  $Q_1^D$  ва  $P_1$  талабнинг ва товар нархининг бошланғич қийматлари;  $Q_2^D$  ва  $P_2$  – талаб ҳажми ва товар нархининг ўзгарган қийматлари.

**Эластиклик коэффициенти қийматига қараб талабни эластик, ноэластик ва бирлик эластикликка ажратиш мумкин.**

**Агар талабнинг нархга боғлиқ эластиклик коэффициенти  $|E_D| > 1$  бўлса, эластик талаб дейилади.**


**Агар талабнинг нарх бўйича эластиклик коэффициенти  $|E_D| < 1$  бўлса, ноэластик талаб дейилади.**

**Агар талабнинг нарх бўйича эластиклик коэффициенти  $|E_D| = 1$  бўлса, бирлик талаб эластиклиги дейилади.**


# Нархнинг ўзгаришига кўра истеъмочиларнинг хатти-ҳаракати

| E            | Талабнинг изоҳланиши | Харидорларнинг хатти-ҳаракати   |   |
|--------------|----------------------|---|---|
|              |                      | Нархнинг тушишига кўра  | Нархнинг ўсишига кўра   |
| $E = \infty$ | Мутлоқ эластик       | Товар хариди чексиз ошиб кетади   | Товар харидидан мутлақо воз кечилади                                      |
| $E > 1$      | Эластик              | Талаб ҳажми нархнинг тушишидан кўра кўпроқ суръатда ўзгаради            | Нархнинг ўсишидан кўра талаб ҳажмининг тушиш суръати юқорироқ бўлади      |
| $E = 1$      | Бирлик эластиклик    | Нархнинг тушиш суръати билан талабнинг ўсиш суръати бир хил             | Нархнинг ўсиш темпи билан талаб ҳажмининг тушиш темпи бир хил             |
| $E < 1$      | Ноэластик            | Нархнинг тушиш суръатига қараганда талаб ҳажмининг ўсиш суръати пастроқ | Нархнинг ўсиш суръатига қараганда талаб ҳажмининг камайиш суръати пастроқ |
| $E = 0$      | Мутлоқ ноэластик     | Товар хариди нархга боғлиқ эмас   | Товар хариди нархга боғлиқ эмас   |


# Нархга боғлиқ талаб чизиғи



# Эластикликнинг ўзига хос алоҳида кўринишлари



Абсолют эластик  
бўлган талаб чизиғи



Эластик бўлмаган  
талаб чизиғи



Талаб эластиклиги нархдан ташқари даромадга ҳам боғлиқдир.  
Кўпгина товарларга талаб истеъмолчилар даромади ошганда ошади.

Даромад бўйича эластиклик, бу даромад

**I (income)**ни **бир фоизга** ўзгариши талаб қилинган товар **Q** ни **неча**  
**фоизга** ўзгаришини билдиради:


$$E_I^D = \frac{\frac{\Delta Q}{Q}}{\frac{\Delta I}{I}} = \frac{I}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta I}$$

Даромадга боғлиқ талаб эластиклигига кўра товарлар қуйидаги  
гурухга бўлинади: **нормал товарлар**, агар  $0 < E_I < 1$  бўлса;

**юқори категорияли товарлар**, агар  $E_I > 1$  бўлса;

**қуйи категорияли товарлар**, агар  $E_I < 0$  бўлса.

# Солиқ юкининг тақсимланиши



## Уйга вазифа

Сигаретга бўлган таклиф функцияси қуйидаги тенглама орқали изоҳланган:

$$Q_s = 3200 + 4P$$

Мувозанат нарх  $P_e = 5000$  сўм. Ҳар бир сигарет қутисига давлат  $50$  сўм солиқ белгилади.

Агар талабни нархга кўра эластиклиги  $-0.5$  га тенг бўлса:

- Сигарет бозорининг мувозанат параметрлари;
- Солиқ юкини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар зиммасига тақсимланиши;
- “Солиқ юки” ортиқчалиги аниқлансин.

# Уйга вазифа

Талаб функцияси қуйидагича берилган:

$$Q = 10 - 2P$$

1. Товар нархи 3 ш.п.б га тенг бўлганда нархга боғлиқ талаб эластиклиги коэффиценти аниқлансин.
2. Қайси нархда талаб эластиклиги - 0.5 га тенг бўлади?

**Эътиборларингиз учун  
рахмат!**